# Тошкент оқшоми

Ижтимоий-сиёсий шаҳар газетаси



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 75 (8.659) ◆ 1995 йил 30 июнь, жума Сотувда эркин нархда


## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



*СУРАТДА: қабул пайти.* Р. Жуманиёзов (ЎзА) олган сурат.

28 июнь куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Австрия Федерал канцлери Ф. Враницкийнинг шахсий вакили, собиқ ички ишлар вазири Карл Блехани қабул қилди.

Президент Ислом Каримов ҳурматли меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлади. Ўзбекистон раҳбари мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар ривожланиб бораётганини мамнуният билан қайд этар экан, ҳали бу борада кенг имкониятлар мавжудлигини ҳам таъкидлади. Ана шу имкониятларни ишга солиш ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилишини айтди.

Жаноб Карл Блеха самимий қабул ва меҳмондўстлик учун миннатдорлик билдириб, Австрия Ўзбекистон билан мустаҳкам ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш тарафдори эканини таъкидлади.

Учрашув чоғида Ўзбекистон билан Австрия ўртасидаги ҳар томонлама алоқаларни янада тараққий эттириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Қабул маросимида Ўзбекистон ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

**(ЎзА).**

## МУҲИМ ҚЎЛЛАНМА

***29 июнь куни Тошкентда республикамиздаги йирик иқтисодчи олимлар, давлат бошқаруви органлари вакиллари, иқтисодий мавзуда қалам тебратувчи журналистлар иштирокида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» номли китобига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.***

Суҳбат иштирокчилари Президент китобида белгилаб берилган иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий соҳалардаги устивор йўналишлар хусусида фикр алмашдилар.

Давра қатнашчилари бир овоздан мазкур китобни мустақил Ўзбекистон иқтисодиёти тарихидаги ўзгаришларга чуқур шарҳ берувчи мукаммал асар ҳамда зарур қўлланма, дея баҳоладилар. Зеро, унда мамлакатимизда кейинги йилларда рўй бераётган чуқур иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ўзгаришларнинг назарий ҳамда амалий асослари кенг таҳлил этилган, иқтисодий ислоҳотларнинг иккинчи босқичида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар аниқ кўрсатиб берилгандир.

Давра суҳбати иштирокчилари китобнинг яна бир муҳим хусусияти — унда кишилар онгидаги маънавий ўзгариш, янгиланишга алоҳида эътибор берилганига қаратди. Дарҳақиқат, китобда таъкидланганидек, халқнинг маънавий-руҳий тикланиши иқтисодий ислоҳотларнинг негизини ташкил этади.

Суҳбат чоғида китобнинг иқтисодий ислоҳотлар биринчи босқичининг якунлари ва сабоқларига бағишланган қисми ҳақида фикр юритилар экан, бу борада эришилган ютуқлар эътироф этилиб, ҳал этилмаган муаммоларни бартараф қилишга оид мулоҳазалар ҳамда таклифлар билдирилди. Иқтисодий ислоҳотлар иккинчи босқичининг устивор йўналишлари — хусусийлаштириш жараёнини чуқурлаштириш ва рақобатчилик муҳитини шакллантириш, макроиқтисодиётни барқарорлаштириш, миллий валюта қадрини ошириш ҳамда чуқур таркибий ўзгаришларга эришиш учун қандай вазифаларни амалга ошириш кераклиги ҳақида фикр алмашилди.

Республика вазирликлари ва идоралари вакиллари ҳамда таниқли олимлар журналистларнинг ислоҳотларни амалга ошириш жараёнидаги тўсиқларни бартараф этиш, тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолининг кам таъминланган қисмини ижтимоий ҳимоя қилишга доир кўплаб саволларига атрофлича жавоб қайтардилар.

Давра суҳбатида Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчилари А. Азизхўжаев, Х. Жўраев, Президентнинг Матбуот котиби Мурод Муҳаммад Дўст иштирок этди.

**(ЎзА).**

## ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

28 июнь куни Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган қироллигининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Барбара Логан Хей хоним Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга ишонч ёрлиғини топширди.

Барбара Логан Хей Буюк Британия ҳукумати Ўзбекистон билан турли соҳалардаги мавжуд алоқаларни янада мустаҳкамлаш тарафдори эканини қайд этар экан, мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабат ва ўзаро ҳамкорликнинг бундан буён ҳам равнақ топиши учун барча имкониятларни ишга солишини айтди.

— Ўзбекистоннинг бой тарихи, санъат ва маданияти, миллий анъаналари ҳамда меъморчилик обидаларига юксак эҳтиромим, — деди, жумладан элчи, — ушбу вазифани муваффақиятли бажаришда муҳим омил бўлишига аминман.

— Ўзбекистон билан Буюк Британия ўртасидаги муносабатлар ўзаро манфаатли ҳамкорликка асослангандир, — деди Ислом Каримов. — Савдо-иқтисодий, фан ва маданият ҳамда хорижий сармояларни жалб этиш борасида эришилаётган ижобий натижалар ҳамкорлигимизнинг амалий тусда равнақ топаётганидан дарак беради.

Ўзбекистон Президенти Барбара Логан Хей хонимнинг масъулиятли ва шарафли фаолиятига муваффақият тилади.

***

Шу куни Гана Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Жон Ивунтома Бава ҳам Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга ишонч ёрлиғини топширди.

— Гана Республикаси ҳукумати мустақил Ўзбекистоннинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётида юз бераётган ижобий ўзгаришларни катта қизиқиш билан кузатиб келмоқда, — деди Жон Ивунтома Бава ишонч ёрлиғини топшириш чоғида. — Гана билан Ўзбекистон ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши ҳар икки томон учун ҳам фойдали. Мамлакатимизнинг Ўзбекистондаги биринчи элчиси сифатида ана шу жараёнга муносиб ҳисса қўшиш мен учун юксак фахрдир.

Ислом Каримов Ўзбекистон — Гана муносабатларининг йўлга қўйилаётгани келгусида савдо-иқтисодий, фан ва маданият ҳамда бошқа соҳалардаги ҳамкорлик ривожи учун катта имкониятлар очишини айтди. Мамлакатимиз раҳбари Жон Ивунтома Баванинг фаолияти халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлигимиз ривожига муносиб ҳисса қўшишига умид билдирди.

Ишонч ёрлиқларини топшириш маросимида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

**(ЎзА).**

*ИШОНЧ ЁРЛИҒИ ТОПШИРИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН*

### БУЮК БРИТАНИЯ ВА ШИМОЛИЙ ИРЛАНДИЯ БИРЛАШГАН ҚИРОЛЛИГИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ БАРБАРА ЛОГАН ХЕЙ



1953 йил 20 январда Твид (Шотландия)даги Бервик шаҳрида туғилган.

1971 йил — Буюк Британия Ташқи ишлар ва ҳамдўстлик ишлари вазирлигида иш бошлаган (миграция ва визалар бўлимида).

1974 йил — Буюк Британия Ташқи ишлар вазирлиги тил ўрганиш курсида тайёргарлик кўрган.

1975 йил — Буюк Британиянинг Москвадаги элчихонасининг 3-котиби.

1978 йил — Буюк Британиянинг Йоханнесбург (Жанубий Африка Республикаси)даги бош консулхонасининг 3-котиби.

1980 йил — Буюк Британия Ташқи ишлар ва ҳамдўстлик ишлари вазирлигининг 2-котиби.

1981 йил — Буюк Британия Ташқи ишлар вазирлиги раҳбари шахсий котибининг ёрдамчиси.

1983 йил — Буюк Британия Ташқи ишлар вазирлиги кадрлар бошқармасида ишлай бошлади.

1985 йил — Буюк Британиянинг Монреалдаги (Канада) бош консулхонасининг вице-консули.

1988 йил — Буюк Британиянинг Москвадаги элчихонаси 1-котиби.

1991 йил — Буюк Британиянинг Санкт-Петербург (Россия)даги бош консули.

1992 йил — Буюк Британия Ташқи ишлар вазирлиги Марказий Европа мамлакатларига техникавий ёрдам кўрсатиш бўлимида секция бошлиғи.

1994 йил — Буюк Британия Ташқи ишлар вазирлиги тил ўрганиш курсида қайта тайёргарлик кўрган.

1995 йилнинг февраль ойидан буён Буюк Британиянинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси.

Барбара Логан Хей хоним Британия империяси ордени билан мукофотланган.

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги матбуот хизмати.**

### ГАНА РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ ЖОН ИВУНТОМА БАВА



1939 йил 29 ноябрда Кпембада туғилган (Шимолий минтақа). Олий маълумотли. 1969 йилда Легон шаҳридаги (Гана) университетни, 1972 йилда Кейп-кост шаҳридаги (Гана) университетни ва 1984 йилда Буюк Британиянинг Лидс шаҳридаги университетни битирган.

1972 — 73 йиллар — Тамаладаги ўрта мактабда катта тарбиячи.

1973—76 йиллар — Тамаладаги мактаб директорининг ёрдамчиси.

1976—79 йиллар — Салага шаҳрида мактаб директори.

1977—79 йиллар — Гана кутубхоналар бошқармасининг аъзоси.

1978—81 йиллар — Шарқий Гонжа тумани сиёсий кенгашининг аъзоси.

1979 йил давомида Гана Конституциясини тайёрлаш бўйича таъсис мажлисининг аъзоси бўлган.

1979—80 йиллар — Тамаладаги бизнес ўрта мактабининг директори.

1979—81 йиллар — Ганани ривожлантириш бўйича миллий комиссия аъзоси.

1980—87 йиллар — маориф масалалари бўйича минтақа директорининг ўринбосари.

1986—88 йиллар — Шимолий минтақа маслаҳат кенгашининг аъзоси.

1987—88 йиллар — Багабага шаҳридаги коллеж директори.

1988-92 йиллар — Гана миллий мудофааси бўйича муваққат Кенгашнинг Шимолий туман масалалари бўйича вазири.

1992—94 йиллар — Гана миллий мудофааси муваққат Кенгашининг савдо ва туризм бўйича вазири.

1994 йил май ойидан ҳозирга қадар — Гана Республикасининг Россия Федерациясидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси.

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги матбуот хизмати.**

## «ТО» БУГУНГИ КУН «ТО» НАФАСИ

### МАМЛАКАТИМИЗДА

❑ Олий Мажлис раиси Эркин Халилов кеча Молдованинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Н. Дудэуни унинг илтимосига биноан қабул қилди.

❑ Бош вазир Абдулҳошим Муталов ва Бош вазир ўринбосари Қаюм Ҳаққулов Бухоро вилоятининг Қоровулбозор туманида бунёд этилаётган нефтни қайта ишлаш заводи ҳамда ижтимоий соҳа иншоотлари қурилишининг бориши билан танишдилар.

❑ Наманганда Президент Ислом Каримовнинг вилоят ғаллакорларига юборган табригига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унинг қатнашчилари Ислом Каримов номига миннатдорчилик мактуби йўлладилар.

❑ Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Австрия Федерал канцлерининг шахсий вакили, истеъфодаги ички ишлар вазири Карл Блеха Тошкент шаҳар ҳокимлигида ҳоким Козим Тўлаганов билан учрашди.

❑ Республика байналмилал марказида почта алоқаси хизмати ва корхоналари раҳбарларининг учрашувида Марказий Осиё давлатларида матбуот нашрларини тарқатиш масалалари муҳокама этилди.

❑ Қашқадарёнинг Яккабоғ туманида 6 гектар майдонда Амир Темур номидаги боғ барпо этилди.

❑ Андижонда Қирғизистоннинг Ўш вилояти делегацияси билан учрашувда қўшни ҳар икки вилоят ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқаларни янада ривожлантириш истиқболлари муҳокама этилди.

❑ «Бухоро ҳақиқати» ва «Бухарские известия» вилоят газеталари биринчи сони чиққан куннинг 75 йиллиги тантанали нишонланди.

❑ Бугун Тошкентда Марказий Осиё мамлакатлари ва Озарбайжонда тиббиёт эҳтиёжи масалаларига бағишланган уч кунлик халқаро амалий кенгаш ниҳоясига етади. У Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва Халқаро Қизил Хоч ва Ярим Ой жамияти тавсиясига кўра ўтказилди.

❑ Кеча Валюта биржасида бўлиб ўтган навбатдаги савдода 1 АҚШ долларининг сотиб олиш ва сотиш тижорат қиймати 30 сўм қилиб белгиланди.

### ҲАМДЎСТЛИКДА

❑ Кеча Россия Хавфсизлик кенгашининг мажлисида яқинда Ставрополь ўлкасининг Будённовск шаҳрида бўлиб ўтган фожиа муҳокама этилди. Мажлисдан сўнг Россия мудофаа, ички ишлар вазирлари, федерал хавфсизлик хизмати ва Ставрополь ўлкаси маъмуриятининг раҳбарлари истеъфога чиқишлари тўғрисида баёнот бердилар. Уларнинг ўз хизмат вазифаларида қолиш-қолмасликларини Россия Президенти ҳал этади.

❑ Бугун Алматида Қозоғистон халқларининг иккинчи конгресси очилди. Унда Президент Нурсултон Назарбоев мамлакатнинг янги Конституцияси лойиҳаси тўғрисида маъруза қилди.

❑ Кеча АҚШнинг 104 тонналик кўп марта фойдаланиладиган «Шаттл-Атлантис» кемаси 120 тонналик Россия «Мир» орбитал комплекси билан туташтирилди. Бу комплексда 4 июлга қадар 10 нафар Россия ва АҚШ космонавтларидан иборат халқаро экипаж илмий тадқиқот ишларини олиб боради.

### ХОРИЖДА

❑ Франциянинг Канн шаҳрида Европа Иттифоқига аъзо бўлган 15 давлат раҳбарларининг олий даражадаги учрашувида 1999 йилгача Европа Иттифоқининг ягона валютасини муомалага киритишга қарор қилинди.

❑ Бугун Вильнюсда Литва, Латвия ва Эстония бош вазирлари ушбу Болтиқбўйи давлатлари ўртасидаги иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш масалаларини муҳокама этадилар.

❑ Буюк Британия, Франция ва Голландия қуролли кучларидан ташкил этилган 15 минг кишилик тез ҳаракат қилувчи корпус 15 июлдан бошлаб Боснияда ўзига юклатилган вазифаларни бажаришга тўла-тўкис тайёр бўлиши эълон қилинди.

❑ Форс кўрфази соҳилидаги Катар тахтининг меросхўри шайх Ҳамад бен Халиф ал Тани мамлакатдаги бутун ҳокимият ўз қўлига ўтганлигини маълум қилди. Швейцарияда бўлган 65 ёшли Катар амири эса мамлакатнинг ягона қонуний раҳбари эканлигини ва қандай қилиб бўлса ҳам юртига қайтиш ниятидалигини билдирди.

❑ Кеча Жанубий Корея пойтахти Сэул марказидаги универмаглардан бирида газ портлаши оқибатида вайроналар остида 1000 нафардан кўпроқ одам қолди. Ҳозир уларни қутқариш ишлари олиб борилмоқда.

❑ Женевада жуда мураккаб музокаралардан сўнг Япония билан АҚШ ўз бозорларини бир-бирларининг автомобиллари учун очишга аҳдлашдилар.

## МУЛККА — ҲАҚИҚИЙ ЭГАЛИК

### ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИДАГИ СЕМИНАР-КЕНГАШДАН

**Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш жараёнини жадаллаштириш, корхоналарни мулкчиликнинг янги шаклларига ўтказиш, акциялар чиқаришни тезлаштириш, ҳиссадорлик жамиятлари муаммолари — бу 27 июнь куни Тошкент шаҳар ҳокимлигида бўлиб ўтган семинар-кенгашда муҳокама этилган асосий масалалардир.**

**Семинар-кенгашни Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси Т. А. АЛИМОВ олиб борди.**





Ҳақиқатан ҳам ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида хусусийлаштириш ва акциялаштириш энг муҳим масалага айланди. Семинар-кенгашда ҳозир бўлган вазирлик ва идораларнинг, туманларнинг раҳбарлари, акциядорлик жамиятлари ва тадбиркорлар вакиллари бу хусусда қизғин ва ошкора фикр айирбошлашдилар.

Бугунга келиб республикада корхоналарнинг 78 фоизи мулкнинг ҳақиқий эгалари қўлига топширилди. Машинасозлик ва кимё тармоқларида ҳам хусусийлаштиришга киришилмоқда. Кўпчилик акциядорлик жамиятлари эмиссия проспектларини рўйхатдан ўтказганларидан сўнг акциялар чиқара бошладилар. Уларнинг бир қисми эркин савдога чиқарилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси давлат мулки ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари **Ш. Р. Ғафуров** ўз нутқида таъкидлаб ўтганидек, акциялар фақатгина эркин сотилиб ва сотиб олиниб қолинмасдан, ўз эгаларига дивидендлар келтиришлари керак. Бунга эришиш учун ишлаб чиқариш самарадорлигини оширилиши талаб этилади, албатта. Айни пайтда аҳолини акцияларни сотиб олишга жалб этиш, бунга хорижий сармоядорларни ҳам қизиқтириш муҳимдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат мулки бўлган корхоналарни акциялаштиришни жадаллаштириш ва қимматли қоғозлар бозорини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида бу соҳадаги вазифалар аниқ-равшан кўрсатиб берилган.

Семинар-кенгашда маъруза қилган Тошкент шаҳар ҳокими **К. Н. Тўлаганов** савдо ва хизмат кўрсатиш тармоқларида мулкни давлат қарамоғидан чиқариш деярли якунланганлигини айтди. Бу ишлар саноат, қурилиш ва халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам фаол амалга оширилмоқда.

Давлат қарамоғида бўлмаган тармоқлар асосий аҳамиятга эга бўлмоқда. Улар ўзига 80 фоиздан ортиқ корхоналарни бирлаштирди.

Якка ҳоким тузилмаларни ихчамлаштириш ишлари давом этмоқда. «Ўзбексавдо» ва «Ўзмаишийуюшма» шаҳар бўлинмаларининг ҳиссадорлик жамиятлари ва ширкатларидан 680 корхона ажратиб олинди.

Шу йил бошидан бери 409 та корхона ва ташкилот хусусийлаштирилди. Шу жумладан, давлат дастури бўйича белгиланган 73 ўринга 82 та корхона ва ташкилотлар хусусийлаштирилди.

1994 йилнинг апрель ойидан 1995 йилнинг июнь ойигача шаҳарда 10 та кимошди савдоси бўлиб ўтди. Уларда 123 та кўчмас мулк 180 миллион сўмга сотилди.

Тажриба тариқасида «Корхона—маҳалла» типида «Миробод» ва «Чилонзор» эркин иқтисодий ҳудудлари ташкил этилди. «Ўзэлектроаппарат» бирлашмаси томонидан маҳаллаларда очилган кичик корхоналарда ҳозир 18 хил халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилмоқда.

Қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш ҳамда очиқ типдаги ҳиссадорлик жамиятларини ташкил этиш йўли билан аҳолини иқтисодий ислоҳотлар жараёнига кенг жалб этиш амалга оширилаяпти. Бунда давлатга тегишли бўлган акциялар улуши муттасил камайтириб борилмоқда. Беш ой мобайнида «Тошкент» фонд биржаси орқали 33 та ҳиссадорлик жамиятининг салкам 40 мингта акцияси сотилиб, бюджетга 6 миллион сўм туширилди.

Хусусийлаштириш бошлангандан буён шаҳарда 314 та ҳиссадорлик жамияти ташкил этилди. Уларнинг кўпчилигида ишлаб чиқариш ва хизмат турлари ҳажми, фойда, иш ҳақи кўпаймоқда. Ходимлар дивиденд ола бошладилар.

Шу йилнинг январь — апрель ойларида шаҳар бўйича олинган умумий фойданинг бешдан бир қисми ҳиссадорлик жамиятлари улушига тўғри келди. Уларда ўсиш суръатлари эса давлатга қарашли бўлган барча корхоналардагидан 8,5 баравар юқоридир.

Масалан, «Ўзсавдоускуналар» ҳиссадорлик жамиятида мулк шакли ўзгарганидан сўнг ишлаб чиқариш ҳажми икки бараварга ортди. Ҳар бир ходимнинг ўртача иш ҳақи 400-600 сўмдан 1500-2000 сўмгача етди. «Ўзқоғоз» бирлашмаси ҳиссадорлик жамиятига айлантирилгандан сўнг ишлаб чиқариш ҳажми 145 фоизга, халқ истеъмоли моллари тайёрлаш 2,3 бараварга кўпайди.

Мирзо Улуғбек туманидаги «Матлубот» ҳиссадорлик жамиятида йилнинг биринчи чораги якунларига кўра ҳар бир акция ҳисобидан бериладиган дивидендлар 300 сўмни ташкил этди.

Бироқ бу соҳадаги ишларга танқидий нуқтаи назардан ёндошилса, ҳали жиддий камчилик ва нуқсонлар мавжуд эканлигини тан олиш лозим. Очиғини айтадиган бўлсак, кўпгина ҳокимлар бу масалалар билан ҳар куни жиддий шуғулланмаяпти. Президентимизнинг 12 июндаги Фармонида ишимизнинг қониқарсиз, деб баҳоланганлиги бежиз эмас.

Шаҳар саноат корхоналарида ишлаб чиқариш суръатлари камайишига йўл қўйганларнинг ярми давлат секторига қарашли корхоналардир. Етказиб берилмаган маҳсулот умумий ҳажмининг 80 фоизидан кўпроғи уларнинг ҳиссасига тўғри келмоқда.

Боқимандалик кайфиятидан қутула олмаётган Бўлка-қандолат маҳсулотлари комбинати, «Тошкимёқишлоқмашинасозлик» заводи, «Ўзбекистон» тери-пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбарларига мулкчиликнинг янги шаклларига ўтиш афзалликлари ҳақида бундан ортиқ яна қандай ишонарли мисоллар керак?

Баъзи туман ҳокимларида ҳам ишга шундай муносабатни кўриш мумкин. А. Икромов туманида атиги 7 та ҳиссадорлик жамияти ташкил этилган бўлиб, уларнинг бирортаси ҳам акцияларини чиқармаган. Миробод туманида бор-йўғи 8 та ҳиссадорлик жамияти мавжуд бўлиб, уларнинг ҳам 4 таси акция чиқармаган. Мирзо Улуғбек ва Юнусобод туманларида эса ҳиссадорлик жамиятларининг 70 фоизи акцияларини чиқармаганлигини қандай тушунса бўлади?

Ушбу жараённи шахсан ҳокимларнинг ўзлари бошқаришлари тўғрисида бир неча бор айтилган эди. Бироқ Чилонзор, Миробод, Бектемир ҳокимлари ҳиссадорлик жамиятларини рўйхатга олишгандан сўнг уларнинг иш фаолияти билан қизиқмайдилар.

Енгил саноат вазирлигининг «Гўзал» ҳиссадорлик жамияти ўтган йилнинг июль ойида рўйхатга олинган. Бироқ, шу пайтгача унинг хўжалик ва молиявий фаолиятида бирон-бир ижобий ўзгариш бўлмади. Жамиятнинг акциялари ҳам чиқарилмади. Коммунал хўжалик вазирлигига қарашли «Газавтоматика» ҳиссадорлик жамияти 1994 йил декабрь ойида мулк шаклини ўзгартирди. Бироқ ҳозирги пайтгача у тегишли идораларда рўйхатга олинмаган. Унинг эмиссия проспекти йўқ. 2-темир-бетон буюмлари ҳиссадорлик жамияти 1994 йилда рўйхатга олинган. Унга шу йилнинг май ойида акциялар чиқаришга рухсат берилди. Жамиятнинг эмиссия проспекти рўйхатга олинган. Аммо корхона шу кунда молиявий жиҳатдан оғир аҳволга тушиб қолди, акция чиқариш учун маблағ йўқ. Бектемир туманидаги темир-бетон конструкциялари тажриба заводи ҳам худди шундай аҳволда.

Айниқса машинасозлик корхоналарида хусусийлаштириш ишлари талабга жавоб бермайди. Шаҳар саноати ишлаб чиқариши умумий ҳажмининг 30 фоизи ушбу тармоқ ҳиссасига тўғри келади. Лекин соҳадаги 44 та корхонадан атиги 11.7 фоизи ҳиссадорлик жамиятига айлантирилган. Озиқ-овқат саноати тармоғида ҳиссадорлик жамиятларининг сони атиги 8.3 фоизни ташкил этади.

Енгилги-энергетика мажмуаси, тиббиёт ва микробиология саноати, ун-ёрма ва омухта ем саноати, матбаа тармоқларида эса бирорта ҳам ҳиссадорлик жамияти йўқлигини қандай изоҳласа бўлади?

Баъзи хўжалик раҳбарлари акциялаш жараёнининг моҳиятини тушунмасдан туриб, бу ишга киришмоқчи бўлаяптилар. Уларда тегишли ҳисоб-китоблар ҳам йўқ. «Мевасабзавотузумсаноат» корхоналари давлат тасарруфидан чиқарилган бўлса ҳам ишлаб чиқариш фаолиятида ижобий ўзгаришлар ҳанузгача сезилмаяпти. Бу ишда раҳбарларга давлат мулк қўмитасининг Тошкент шаҳри бўйича бошқармаси, унинг жойлардаги бўлинмалари тегишлича ёрдам кўрсатмаяпти. Ишга ана шундай расмиятчилик билан ёндошиш пировард натижада баъзи корхоналарнинг янги шароитларда ишлай олмасликларига сабаб бўлмоқда.

Нотиқ яна бир карра акциялар унга эга бўлган шахсларнинг ушбу жамият ишига бевосита дахлдорлиги ҳамда дивидендлар олиш ҳуқуқини берувчи қимматли қоғоз эканлигини эслатиб ўтди. Лекин баъзи ҳиссадорлик жамиятларида жамоа аъзолари ўртасида тарқатишга мўлжалланган акциялар ана шу жамоа аъзоларининг пулига эмас, балки фақат корхона кўраётган фойда ҳисобига сотиб олиняпти. Ахир одам ўз пулини сарф қилмас экан, қандай қилиб корхона мулкига шериклигини ҳис этсин? Буни биринчи навбатда корхона раҳбарларининг ўзлари тушуниб олишлари шарт. Шундан сўнггина улар жамоа аъзолари ўртасида тушунтириш ишлари олиб боришлари мумкин.

Баъзи ҳолларда эса фонд биржаси, инвестиция фондлари орқали бошқа корхоналарга, аҳолига, хорижий сармоядорларга тарқатишга мўлжалланган акциялар ҳаракатсиз ҳолда ётади. Тошкент чинни ҳиссадорлик жамияти меҳнат жамоасига ажратилган 36 фоизлик акциялар улушини шу бугунгача тўла ҳажмда сотиб олмаган ва 19 фоизли эркин савдога ажратилган акциялар фонд биржасига сотувга чиқарилмаган.

**(Давоми 2-бетда).**

